

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.46.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭШАНОВА ЗИЛОЛАХОН ҚЎЧҚАРОВНА

**ЎЗБЕК ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИДА ТОҒ ОБРАЗИ: ГЕНЕЗИСИ ВА
БАДИИЙ ТАЛҚИНЛАРИ**

10.00.08 – Фольклоршунослик

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати
мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on philological sciences

Эшанова Зилолахон Қўчқаровна

Ўзбек халқ дostonларида тоғ образи: генезиси ва бадий талқинлари..... 3

Эшанова Зилолахон Кучкаровна

Образ горы в узбекской фольклоре: генезис и
поэтическое интерпретация..... 23

Eshanova Zilolakhon Qo`chqarovna

Genesis and poetic interpretation of image of mountain in the Uzbek
poems.....45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 49

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.46.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭШАНОВА ЗИЛОЛАХОН ҚЎЧҚАРОВНА

**ЎЗБЕК ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИДА ТОҒ ОБРАЗИ: ГЕНЕЗИСИ ВА
БАДИИЙ ТАЛҚИНЛАРИ**

10.00.08 – Фольклоршунослик

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2018.1.PhD/Fil 442 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг www.tai.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziyounet.uz манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Мирзаева Салимахон Райимжоновна филология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Эшонқулов Жаббор Солиевич филология фанлари доктори
	Аҳмедова Ойгул Маҳаммадалиевна филология фанлари номзоди
Етакчи ташкилот:	Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.46.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент, Шаҳрисабз тор кўчаси, 5. Тел.: (99871) 233-36-50; fax: (99871) 233-71-44; e-mail: uzlit@uzsci.net)

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Тошкент, Зиёлилар кўчаси, 13. Тел.: (99871) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2018 йил _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Б.А.Назаров
илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, филол.ф.д., академик

Р.Баракаев
илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, филол.ф.н.

Т.М.Мирзаев
илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, филол.ф.д., академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё фольклоршунослигида тоғ образи, унинг мифологик тасаввурлар тизимидан фольклор асарлари, хусусан, эпосга кўчиши, серқатлам семантик кўлам ҳосил этиши ва образнинг бугунги кун санъати ва адабиётида муҳим ўрин тутишига алоҳида эътибор берилмоқда. Тоғ образининг жаҳоний тадқиқи унинг туб илдизлари инсоният тафаккури тараққиётининг ибтидоси билан боғлиқ ривож топганлигини, дунё халқлари мифологияси ва фольклори учун умумий хусусиятларга, ўзаро уйғун маъноларга эгаллигини кўрсатмоқда. Номоддий маданий меросни сақлаш ва тарғиб қилиш миллий ўзликни англашнинг бош мезонига айланган бугунги кунда ўзбек халқ достонларидаги тоғ образининг тарихий-мифологик асослари, халқ маросимлари, урф-одатларида тутган ўрни ва эпос таркибидаги бадиий-эстетик вазифаси ҳамда образнинг поэтик табиатини аниқлаш, шубҳасиз, муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳон фольклоршунослигида тоғ култи ва образининг тадқиқи бошқа анъанавий образларга нисбатан у қадар чуқур ўрганилган эмас. Айни ҳолат тоғ образининг генезиси, шаклланиш жараёнлари ва босқичлари, халқ достонларидаги бадиий талқинлари ва поэтик вазифаларини ритуал-мифологик мактаб назарияси концепцияси нуқтаи назаридан ритуал – миф – фольклор тизимида тарихий-тадрижий ва қиёсий-типологик аспектда атрофлича ўрганишни тақозо қилади. Зеро, дунёнинг барча халқлари фольклор асарларида муқаддас ҳисобланувчи тоғ образлари мавжудлиги муаммонинг бир халқ доирасидан чиқиб халқаро миқёс касб этишини таъмин этади. Айниқса, туркий халқлар достонларида учровчи муштарак тоғ образлари, ўзаро уйғун поэтик шакл ва қолипларнинг тадқиқ этилиши эпос поэтикасининг назарий тараққиётига муҳим ҳисса бўлиб қўшилади.

Мустақиллик йилларида фольклорга, хусусан, халқ достонларига, бахши-шоирларимиз ижодига эътибор янада ортди. Термиз шаҳрида очилган бахшилар мактаби ҳақидаги: “Достончилик ва бахшичилик – миллий ғуруримиз. Унинг замиридаги эзгу қадриятларни халқимизга етказиш лозим”¹, - деган фикрлар халқ достонларининг миллат маънавиятини шакллантиришдаги аҳамияти юксаклигини кўрсатади. Халқ достонларини ҳар томонлама ўрганиш, уларнинг маънавий қадрият сифатидаги ўрнини, аҳамиятини кўрсатиш фольклоршунослигимизнинг долзарб масаласига айланди. Достонлар тадқиқида анъанавий образлар семантикаси ва уларнинг асар структурасидаги ўрни жуда муҳим. Шу жиҳатдан тоғ образи ва у билан боғлиқ барқарор шеърый қайтариқларнинг маъно кўламини аниқлаш достон поэтикаси тадқиқини янада чуқурлаштиради, достонларнинг ғоявий хусусиятларини очишда, талқин этишда алоҳида қиммат касб этади. Ушбу

¹ Мирзиёев Ш.М. Истикболли лойиҳалар халқимиз фаровонлигига хизмат қилмоқда // Халқ сўзи. – 2018. – 23 январь.

кенг кўламли вазифаларнинг назарий ҳал қилиниши диссертацион ишимизнинг долзарблигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сонли «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сонли «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги «2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги 222-сон қарори, шунингдек, илмий-педагогик фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳукукий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тоғ образи кўплаб тадқиқотларда турли даражада ўрганилган, лекин унинг семантик доираси, ривожланиш босқичлари, халқ дostonларидаги бадий талқинлари ва поэтик вазифалари назардан четда қолмоқда. Бу тоғ образига ёндашувларнинг турличалиги билан боғлиқ. Тоғ образи борасида ёзилган барча материалларни жамлаб, уларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Антропологик, этнографик, теологик, психоаналитика, тарих, тилшунослик фанлари аспектида ўрганилиши. Тоғ образи асосидаги мифларни антропология, этнография ва теология доирасида тадқиқ этиш Э.Б.Тайлор, Ж.Ж.Фрэзер, Б.Ўгел, А.Инон, С.А.Токарев, Л.П.Потапов, Б.С.Дугаров, Р.Н.Безертинов, А.К.Акишев тадқиқотларига хос². Тоғ образини К.Г.Юнг психоаналитика, Ҳикмат Таню тарих, А.С.Таптыгов,

² Тайлор Б.В. Первобытная культура. – М.: Политиздат, 1989. – С. 122-213; Фрэзер Дж.Дж. Золотая ветвь. – М.: Политиздат, 1983. – С. 583-650; Ögel Bahaeddin. Türk mitolojisi. II cilt. – Ankara: Türk Tarih kurumu basimevi, 1995. – S. 423-431; Inan Abdulkadir. Tarihte ve bugün şamanizm. – Ankara: Türk Tarih kurumu basimevi, 1972. – S. 50; Токарев С.А. Ранние формы религии. – М.: Политиздат, 1990. – С. 623; Потапов Л.П. Культ гора на Алтае // Советская этнография, 1946. – № 2. – С. 145-160; Дугаров Б.С. Культ горы Хормуста в Бурятии // Этнографическое обозрения. – 2005. – № 4. – С. 103-110; Безертинов Р.Н. Тангрианство – религии тюрков и монголов. – Набережные Челны: Асез, 1997. – С. 75; Акишев А.К. Искусство и мифология саков. – Алма-Ата: Наука, 1984. – С. 15–21; Шу муаллиф. Курган Иссык. Искусство саков Казахстана. – М., 1978. – 132 с.

Е.Н.Филимонова, Г.Х.Бухаровалар тилшунослик, И.А.Жерносенко география фанлари аспектида ўргандилар³.

2. Тоғ образининг фольклоршунослик ва адабиётшуносликда ўрганилиши. Жаҳон фольклошунослигида В.Н.Топоров, Е.М. Мелетинский, В.Я.Пропп, С.С.Сурузаков, И.В.Стеблева, Т.Л.Андреева, А.А.Конунув, М.А.Ахматова, З.Г.Аминев, М.М.Сагитов, Р.Г.Ягафаров, М.Сейидов, Р.М.Алиев, А.С.Орлов, О.Инкёнг каби олимлар ўз тадқиқотлари доирасида тоғ образини тадқиқ ва талқин этадилар⁴.

Ҳ.Зарифов, М.Саидов, Т.Мирзаев, Б.Саримсоқов, А.Мусақулов, М.Қўшмоқов, М.Жўраев, Ш.Турдимов, Ж.Эшонқулов, С.Мирзаева, Н.Раҳмонов, Д.Ўраева, Ҳ.Рўзимбоев каби ўзбек олимлари ўз тадқиқотларида тоғ образининг фольклорнинг турли жанрларидаги ўрни, бадий-эстетик маънолари хусусида бир қатор фикрларни билдирганлар⁵.

³ Юнг К.Г. Архетип и символ. М.: Ренессанс, 1991. – С. 28; Hikmat Tanyu. Dinlar tarihi arastirmalari. – Ankara: Universitet, 1973. – S. 149; Таптыгов А. С. Мифологические топонимы, сформировавшиеся на основе культов дерева и горы на территории Азербейджана / Ученые записки Таврического национального университета им. В. И. Вернадского. Серия «Филология. Социальные коммуникации». – Баку, 2010. Том: 23 (62). – № 3. – С. 37-42; Филимонова Е. Н. Образ гор в традиционных представлениях некоторых народов Дальнего Востока / Язык, сознание, коммуникация. – М.: МАКС Пресс, 2007. – 148 с.; Бухарова Г.Х. Башкирский народный эпос "Урал-батыр": когнитивно-дискурсивный и концептуальный анализ: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Уфа, 2004. – С. 11; Жерносенко И.А. Мифологема мировой горы как культурообразующий концепт сакральных ландшафтов Алтая // Современные проблемы науки и образования. – 2015. – № 2. – С. 21-27.

⁴ Топоров В.Н. Гора / Мифы народов мира: Энциклопедия. – М., 1980. Том 1. – С. 311-315; Мелетинский Е.М. Поэтика мифа. – М.: Вост. лит-ра, 1976. – С.137-138; Пропп В.Я. Исторические корни волшебной сказки. – Л., 1986. – С. 364; Сурузаков С.С. Героические сказание о батыре Алтай-Бучае. – Горно-Алтайск, 1961. – С. 240; Стеблева И.В. Очерки турецкой мифологии. – М.: Вост. лит-ра, 2002. – С. 55; Андреева Т.Л. Образ горы в поэзии Сибири // Вестник Бурятского государственного университета. – 2008. 8 с.; Конунув А.А. Культ гор в алтайском эпосе / Аспекты текстологии и перевода. – Горно-Алтайск, 2002. – С. 350; Ахматова М.А. Концепт «гора» в карачаево-балкарском нартовском эпосе // Современные проблемы науки и образования. – 2015. – № 2-3. 4 с.; Аминев З.Г. Образ «Мировой горы» в эпосе «Куз-Курпач» / Актуальные вопросы башкирского эпосоведения. – Выпуск I. – Уфа: Гилем, 2003. – С. 143-148; Сагитов М.М. Поэзия народного духа. Об эпосе "Урал-батыр" / Урал-батыр (пер. Шафикова Г.Г.). Башкирский народный эпос. – Уфа: Башкирское книжное издательство, 1977, – С. 5-15; Ягафаров Р.Г. Башкирский народный эпос «Алпамыша и Барсынхылу»: генезис, специфика, поэтика: Автореф. дисс. ... канд филол. наук. – Казань, 2007. – С. 7; Сейидов М. Азербайжан мифик тәфәккүрунун гәйнаглары. – Баку: Язычы, 1983. – С. 326; Сейидов М. Олтин жангчининг толейи. – Баку. 1984. – Б. 14-30; Алиев Р.М. О структурно-семантическом моделировании культа горы в фольклорных текстах // www.librag.org.; Орлов А.С. Казахский героический эпос. – Л., 1945. – С. 22; Инкёнг О. “Алпомиш” ва “Жумонг” достонларининг қиёсий-типология тахлили. – Тошкент: Тугон zamin ziyo, 2014. – Б. 181.

⁵ Жирмунский В.М, Зарифов Ҳ.Т. Узбекский народный героический эпос. – М., ГИХЛ, 1947; Саидов М. Маърифат фидойиси. – Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2009. – Б. 89-90; Мирзаев Т. “Алпомиш” достонининг ўзбек вариантлари. – Тошкент: Фан, 1968, – Б. 141-145; Саримсоқов Б. Эпик жанрлар диффузияси / Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. – Тошкент: Фан, 1981. – Б. 143-144; Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикаси. – Тошкент: Фан, 2010. – 308 б; Қўшмоқов М. Бахшилар хазинаси. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1978. – Б. 62-65; Жўраев М. Ўзбек халқ эртақларида “сеҳрли” рақамлар. – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 152; Шу муаллиф. Фольклоршунослик асослари. – Тошкент, 2008. – Б. 37; Турдимов Ш.Г. “Гўрўгли” достонларининг генезиси ва тадрижий босқичлари. – Тошкент: Фан, 2011. – Б. 46-47; Шу муаллиф. Ўзбек халқ қўшиқларида рамз: Филол. фан. номз ... дисс. автореф. – Тошкент, 1986. 184 б.; Шу муаллиф. Бу тоғлар қандай тоғлар... // Адабиёт кўзгуси. – Тошкент, 1998. – № 1. – Б. 51– 56; Эшонқулов Ж. Фольклор. Образ ва талқин. – Қарши: Насаф, 1999. – Б. 15; Шу муаллиф. Ўзбек фольклорида дев образининг мифология асослари ва бадий талқини: Филол. фан. номз. ... дисс. –Тошкент, 1996. – Б. 26-27; Мирзаева С.Р. Ўзбек халқ романик достонлари поэтикаси. – Тошкент: Фан, 2004. – Б. 89-90; Раҳмонов Н. Рухиятдаги нур муроди. – Тошкент: Халқ мероси, 2002. – Б. 52; Ўраева Д. Ўзбек мотам маросими фольклорининг жанрий таркиби, генезиси ва

М.Н.Эйпштейн, Т.Эртем, Б.Мухаммад Шериф, А.С.Чочиева, Е.Дихнова, У.Жўракулов каби адабиётшуносларнинг тадқиқотларида тоғ образининг ёзма адабиётда акс этиши ўрганилган⁶.

Кўринадикки, тоғ образи, унинг халқ дostonларидаги семантик кўлами, бадий талқинлари, кўлланилиш ўрни ўзбек фольклоршунослигининг бевосита тадқиқот объектига айланган эмас. Ўзбек фольклоридаги мавжуд материаллар тоғ образини махсус тадқиқ этишни талаб этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек мифологияси, фольклори, хусусан, эпосида муҳим ўрин тутувчи етакчи тоғ образларини аниқлаш, тоғ образининг генезиси, халқ дostonларидаги рамзий-бадий мазмуни, эстетик вазифаларини кўрсатиш ҳамда тоғ образи иштирокидаги асосий барқарор шеърий мисралар таснифини тузиш, уларнинг семантик кўламини, аниқ маъно қирраларини ёритишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

халқ дostonларидаги тоғ образининг генезиси, тарихий тараққиёт босқичларини, ўзига хос поэтик талқинларини ва образ билан боғлиқ муҳим қонуниятларни очиш;

тоғ образининг ўзбек халқининг қадим эътиқодий қарашларида аждодлар култи, мифик макон, ернинг маркази, ғайб эранлар яшовчи маскан сифатидаги бадий талқинларини қайд этиш;

эпосда тоғ образининг қаҳрамон макони, ватан тимсоли сифатида талқин этилиши ва қаҳрамон ҳаёти билан боғлиқ тасвирланишини кўрсатиш;

халқ дostonлари таркибида тасвирланувчи етакчи тоғ образларини аниқлаш, уларга хос хусусиятлар ва маъно қирраларини кўрсатиш;

халқ дostonларидаги тоғ образининг бадий талқинлари ва поэтик вазифаларини ёритиш;

тоғ образининг дostonдаги барқарор шеърий такрорлар структураси ва семантикасидаги ўрнини белгилаш;

образининг дoston ғоявий-бадий қимматини очишда таянч омиллардан бири бўлиб хизмат қилишини талқинлар асосида ёритиш;

бадиияти: Филол. фан. д-ри ... дис. автореф. –Тошкент, 2005. – Б .22; Рўзимбоев Х. “Гўрўғли” эпосининг поэтикаси. – Ургенч, 2005. – Б. 11.

⁶ Эпштейн М.Н. Архетип и кенотип / Парадоксы новизны: О литературном развитии XIX-XX веков. – М.: Сов. писатель, 1988. – С. 389-390; Ertem T. Ramuz`nun Yapitlarinda Dag` Imgesi // Edebiyatta dag`. XXV. Uluslararası Kibatek edebiyat sempozyumu. – Alanya-Türkiye, 2013. – S. 1-9; Muhammad Serif B. O`zbek Edebiyatında Dag` Konusu ve Dag` timsali // Edebiyatta dag`. XXV. Uluslararası Kibatek edebiyat sempozyumu. – Alanya-Türkiye, 2013. – S. 219-227; Чочиева А.С. Художественное пространство в хаккасской поэме второй половины XX в: Дисс. ... канд. филол. наук. – Абакан. – 2012. – 160 с.; Дихнова Е. Образ горы у Ф.И.Тютчева и Вяч. Иванова // Исследовательский журнал русского языка и литературы. – СПб. – 2015. – 2(5). С. 109-127; Жўракулов У. Назарий поэтика масалалари: Муаллиф. Жанр. Хронотоп. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2015. – Б. 84; Шу муаллиф. Алишер Навоий “Хамса” сида хронотоп поэтикаси. – Тошкент: TURON-IQBOL, 2017. – 260 б.

қардош туркий ва дунё халқлари мифологияси ҳамда фольклоридаги тоғ образи билан боғлиқ тасаввурлар, бадий талқинларни ўзбек мифологияси ва фольклоридаги талқинларга муқояса қилиш орқали ушбу образнинг нафақат жаҳон халқлари, шу билан бирга, ўзбек халқи манавиятида ҳам мукамал тизимли, анъанавий образ эканлигини тасдиқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўзбек халқ дostonларида ёритилган тоғ образлари танланган.

Тадқиқотнинг предметини дostonлардаги тоғ образининг рамзий-бадий моҳиятини кўрсатувчи тасвирлар, барқарор шеърий такрорларда келувчи ўринлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда таснифлаш, тавсифлаш, тарихий-қиёсий, компонент, контекстуал, этнофольклористик таҳлил усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тоғ образи талқинларининг қаҳрамон ҳаёти, ҳомий руҳлар билан алоқадорлик жиҳатлари қадимги мифологик тасаввур-тушунчалар, диний-эътиқодий қарашлар, маросим, урф-одат ва табулар билан боғлиқлиги аниқланган;

ўзбек халқ дostonларидаги асосий тоғ образлари, уларнинг дostonдаги ўрни, бадий вазифалари, қаҳрамон ҳаёти, руҳий кечинмалари, дoston воқеликлари, замон ва маконга, маросим ва иримларга алоқадор талқинлари очиб берилган;

ўзбек фольклори, хусусан, ўзбек халқ дostonларидаги Асқар тоғ образи илк бора кенг қамровда ўрганилган, бу образнинг “Тўрўғли” туркуми ва “Алпомиш” дostonидаги бадий талқинлари, маъно кўлами атрофлича тадқиқ этилган;

тоғ образи билан боғлиқ қадимий халқ қарашларининг дoston воқелигидаги ўрни, уч ўлчамли борлиқ тузилиши ҳақидаги талқинлари ёритиб берилган;

тоғ образининг дostonлардаги барқарор шеърий мисраларни ҳосил этишдаги ўрни, қаҳрамон руҳий ҳолати, воқелик тасвири билан боғлиқ турли шаклларда намоён бўлиши кўрсатилган;

тоғ образи иштирокидаги барқарор шеърий такрорлар сараланиб, таснифланган, уларнинг рамзий-семантик кўлами белгиланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўзбек халқ дostonларидаги тоғ образининг тарихий-мифологик асосларига алоқадор манбалар тўпланиб, жаҳон фольклоршунослигининг янги назарий концепциялари асосида комплекс тадқиқ этилган;

тоғ культининг ижтимоий муҳитдан поэтик сатҳга ўтиш жараёнлари, эпос жанри таркибидаги трансформацион ҳолатлари, тоғ ва асар хронотопининг алоқадорликка эгаллиги, асар сюжетини шакллантиришдаги аҳамияти аниқланган;

ўзбек фольклорида тоғ образи билан боғлиқ мифологик тасаввурлар тизимининг аниқланганлиги туркий халқлар мифологиясини ҳамда

достонлар сюжет тизимини тадқиқ этишда муайян фактик асос вазифасини ўташи исботланган;

тоғ образи генезиси ва бадиий талқинларини тадқиқ этиш орқали чиқарилган хулосалар ўзбек фольклоршунослиги учун муҳим илмий-назарий маълумотлар бериши, мифология, эпосшунослик, маросим фольклори, лингвофольклористика каби фанлар бўйича яратиладиган дарслик ва қўлланмаларнинг мукамаллашувига хизмат қилиши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилгани, чиқарилган хулосаларнинг таснифлаш, қиёсий-тарихий, тавсифлаш, компонент, этнофольклористик таҳлил усуллари билан асослангани, тоғ образининг семантик қатламларини очиб беришда илмий-тарихий манбаларга таянилгани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, чиқарилган назарий хулосалар ўзбек фольклоридаги мифологик образлар ҳақидаги мавжуд маълумотларни кенгайтиради. Ўзбек халқ халқ достонларидаги тоғ образининг тарихий-мифологик асослари ва бадиий талқинларини ёритган ушбу тадқиқот иши ўзбек фольклоршунослиги, ўзбек адабиёти тарихи, этнография, санъатшунослик фанлари ривожига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, тоғ образининг генезиси, бадиий талқинлари ва поэтик вазифаларига оид умумлашма ва материаллардан олий ўқув юртларида халқ оғзаки ижоди, ўзбек мифологияси фани бўйича маърузалар ўқишда, махсус курслар ўтишда, академик лицей ва коллежларда дарс машғулотлари олиб боришда, ўқув қўлланмалар, дарслик, мажмуалар яратишда, турли даражадаги қомус ва луғатлар тузишда кенг фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Халқ достонларида тоғ образининг тарихий-мифологик асослари ва бадиий талқинларини тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолаасини ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги ПК-3271-сон Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги 891-сонли қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейида ташкил этилган “Ўзбек фольклори” номли экспозицияда ўзбек халқ достонларининг ўрганилиши билан боғлиқ муҳим материаллар ва илмий-назарий қарашлардан фойдаланилган (Фанлар академиясининг 2018 йил 18 майдаги № 3/1255-1291-сон маълумотномаси). Экспозицияда илмий натижаларнинг

қўлланилиши ўзбек фольклорининг янги қирраларини баҳолаш имконини берган;

ўзбек халқ дostonларидаги тоғ образининг генезиси, бадий талқинлари ва поэтик вазифаларига оид илмий-назарий қарашлар ФА– Ф1-Г031 рақамли “Ўзбек фольклоршунослиги тарихи” (2015-2017) амалий тадқиқот лойиҳасида татбиқ этилган (Фанлар академиясининг 2018 йил 18 майдаги № 3/1255-1291-сон маълумотномаси). Илмий натижалар асосида ўзбек фольклоршунослиги тарихиги оид илмий маълумотлар берилган, мифологик қарашлар тизими ойдинлаштирилган;

тадқиқотнинг ўзбек фольклоридagi мифологик образлар ва уларнинг поэтик трансформацияси босқичларига оид назарий хулосаларидан “Масал ва масал типидagi асарларнинг қиёсий-типологик тадқиқи” ЁФ 8-08 (2010-2011) фундаментал ва амалий тадқиқотлар илмий-техник дастури лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 3 февралдаги 89–03–559-сон маълумотномаси). Илмий натижалар мифологик қарашларнинг афсона, эртак ва дostonларга трансформацияси жараёнлари ҳамда халқ дostonларидаги сюжет мотивларининг масал жанри билан муносабати масалаларини ёритишга асос бўлган;

Андижон вилоят телерадиокомпаниясининг “Ижод гулшани”, “Ёшлар вақти” каби кўрсатувлари ҳамда “Маънавият сарчашмаси”, ”Шукрона” эшиттиришлари учун тайёрланган материаллар, шу жумладан, халқ дostonларидаги эпик қаҳрамоннинг ҳомий эранлар томонидан тарбияланиш мотиви, уларнинг ёшлар тарбиясидаги аҳамияти каби фикрлар билан бойитилган (Андижон вилоят телерадиокомпаниясининг 2018 йил 23 январдаги 20-24/3-сон маълумотномаси). Натижада телетомошабин ҳамда радиоэшиттириш мухлислари халқ дostonлари поэтикаси ва дostonлардаги ёшлар тарбиясига оид янги маълумотларга эга бўлган;

ўзбек фольклоридagi мифологик образлар, хусусан, тоғ образининг бадий талқинлари ва поэтик вазифаларига оид назарий хулосалари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Шеърият кенгаши фаолиятида замонавий ўзбек шеъриятида фольклорга хос мотив ва образларни қўллаш орқали миллат руҳини, маънавиятини ифодалаш ҳамда фольклор анъаналарининг ижодкорнинг ўзига хос услубини шакллантиришдаги, бадий асар ғоясини ифодалашдаги аҳамиятини ёритиш жараёнларида фойдаланилган (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2018 йил 2 майдаги 01-03/549-сон маълумотномаси). Натижада, замонавий ўзбек насри ва шеъриятида фольклорга хос мотив ва образларни қўллаш, ўзбек шеъриятида қўлланган тоғ образи замиридаги рамзий, ассоциатив ва метафорик маъноларни тушуниш, талқин қилиш масалалари ойдинлашган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 6 та илмий иш нашр этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси

Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та илмий мақола, жумладан, 4 таси республика ҳамда 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловадан таркиб топган. Тадқиқотнинг ҳажми 164 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ҳамда вазифалари белгиланган, тадқиқот объекти ва предмети кўрсатилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги баён қилинган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари тавсифланган, тадқиқот усуллари белгиланган ҳамда эълон этилган ишлар ва диссертация таркиби ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг **“Тоғ образининг мифологик асослари ва тарихий-тадрижий тақомили”** деб номланган биринчи бобида тоғ образининг генетик асослари аждодларимизнинг энг қуйи босқичдаги мифологик дунёқараш билан боғлиқлиги ва тоғ култи билан боғлиқ мифологик қарашларнинг поэтик трансформацияси жараёни ва босқичлари ёритилган.

Дунё халқларининг тоғ билан боғлиқ эътиқоди, маросим, урф-одатлари ва бадий тафаккур тарзида тарихий-типологик ўхшашлик, уйғунлик мавжуд. Айниқса, тоғнинг сакраль маъносигаги типологик ўхшашликлар дунёнинг кўплаб халқларида мавжуд. Ҳиндларда Ҳимолай ва Меру, арабларда Арофат, Тибетда Кайлас, японларда Фудзияма нафақат географик макон, балки халқ эътиқоди, дуёқарашлари билан чамбарчас боғланган муқаддас маконлар ҳисобланади. Юнон мифологиясига кўра, Олимп тоғлари маъбудлар ва фаришталар макони ҳисобланади. Мўғул мифологиясига кўра, илоҳлар кўкдан ер юзига тушган жой тоғ деб аталган.

Диний-эътиқодий тасаввурларга кўра, тоғлар ер куррасининг мувозанатини сақлаш учун уни тутиб турувчи козиқ сифатида яратилган. Муқаддас Қуръони Каримнинг “Бақара” сурасининг 63-, 93-оятларида Мусо алайҳиссаломнинг Тур тоғида Аллоҳ билан сўзлашгани ва Тавротга амал қилиш аҳдини олгани баён этилади. ”Аъроф” сурасининг 143-144- оятида эса Мусонинг пайғамбар бўлишга танлаб олингани айтилади. Мазкур оятларда тоғнинг Аллоҳ билан сўзлашувчи, унга ибодат қилувчи макон ҳамда Аллоҳнинг Мусо алайҳиссаломни пайғамбар сифатида танлаб олиб, тарбият этувчи жой маъноси англашилади⁷. Иброҳим, Мусо, Довуд, Сулаймон, Исо

⁷Бу ҳақда қаранг: Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима / Таржима ва изоҳлар муаллифи: Алоуддин Мансур. – Тошкент: Чўлпон, 1992. – Б. 8 –130.

пайғамбар ҳақидаги кўплаб афсона ва ривоятлар тоғ билан боғланади. Пайғамбарларнинг, деярли, барчаси тоғларда Аллоҳдан аҳд оладилар.

Туркий халқларда тоғ билан боғлиқ магик инончлар тизими мавжуд бўлиб, турк олими Абдулқодир Инон уйғурларнинг мўл-кўллик ва саодат бахш этувчи муқаддас тоғлари борлигини айтади ва «Куттоғ» ҳақидаги ривоятларни келтиради⁸. Тоғлардан кўним топган инсонлар ўзларининг ҳаётини тоғ руҳлари кўрсатадиган марҳаматга боғлиқ деб тасаввур қилганлар. Шунинг учун ҳам турли маросимларда тоғ, тош атрибутлари алоҳида функция бажаради. Олтойликлар тасаввурига кўра, тоғ руҳлари турли кўринишда бўлиб, улар одамларнинг хатти-ҳаракатига қараб ё мукофотлаши ёки турли офатларни юбориш билан жазолаши мумкин деб тасаввур қилинган⁹. Бундай этнографик аналогияларни дунёнинг турли халқларида учратиш мумкин.

Юртимизнинг турли ҳудудларида бугунги кунгача сақланиб келинаётган маросимларда ҳам тоғни улуғлаш билан боғлиқ қадим эътиқод излари сақланиб қолган. Айрим удум ва маросимларда тоғ инс-жинслар яшайдиган макон сифатида намоён бўлади. Шунинг учун инсон танасидан турли бадик ва кинналарни ҳайдаётганда “Тоғдан келган бўлсанг, тоққа бор, тошга бор...” дея турли айтимлар ижро қилинган. Бу каби турли магик ритуаллар ва маросим фольклорининг вербал компонентларида тоғ муқаддас маскан ҳамда дев, пари, инсу жинслар макони сифатида тасвирланади. Тоғ бундай маросимларда дастлаб маиший функция бажарган бўлса, даврлар ўтиши билан бу тасаввурлар мифологик қобикқа ўралиб, бадий хусусият кашф этиб борган. Тоғ билан боғлиқ бу каби удум ва маросимлардаги семантик ва функционал ўхшашликлар этник таъсир ёки этник алоқадорликдан ташқари эътиқодий тасаввурлардаги тарихий-тадрижий ривожланишнинг бир хиллиги (эволюционистик назария) билан белгиланади.

Ўзбек фольклоридаги тоғ култи асосидаги мифологик қарашларнинг тарихий-тадрижий тақомилини қуйидагича босқичларга бўлдик:

1. Архаик мифлар асосида шаклланган тоғ култи. Архаик мифларда тоғларнинг худонинг яратмиш нарса ва макони эканлиги ҳақидаги ахборот берилади. Бундай мифларнинг асосий семантикасини хаос ва космоснинг курашини тасвирлаш ташкил этади ва тоғ хаоснинг космосга айланишида таянч объект сифатида англанади. Архаик мифларда этиологик, дуалистик, тотемистик ва эсхатологик тасаввурлар етакчилик қилади.

2. Ўрол-олтой давридаги мифларнинг субъекти худолар ва демиурглр бўлгани боис ҳам, тоғ уларнинг макони сифатида тасвирланади. Мазкур давр мифологияси таъсирида тоғ образининг тангрилар, ярим илоҳий қаҳрамонлар, тотем аждод макони ҳамда шомонлик ритуаллари ўтказиладиган жой каби семантик типлари шаклланди.

3. Қадимги туркий қавмлар мифологиясида ҳам айни шу структур-семантик моделлар миллий заминда ривожлантирилди. Натижада тоғ

⁸ İnan Abdülkadir. Tarihte ve bugün Şamanizm. – Ankara, 1972. – S. 50.

⁹ Потапов Л.П. Культ гора на Алтае // Советская этнография, 1946. – № 2. – С. 145-160.

образининг тангриларга тегишли муқаддас маскан, ярим илоҳий ҳоқонлар ҳамда тотем аجدод макони, ритуал-инициация ўтказиш жойи сифатидаги талқинлари шаклланди.

4. Зардуштийлик билан боғлиқ мифологик тасаввурлар таъсирида тоғнинг семантик кўлами худолар, абадий авлиёлар, осмон кучлари билан боғловчи мифик жониворлар ва ерости кучлар макони каби маънолар билан кенгайди

5. Арабларнинг Марказий Осиёга кириб келиши араб-ислом мифологиясининг халқимиз дунёқарашига сингишига, шу билан бирга, мифологик образ ва сюжетларнинг янгича талқинларига сабаб бўлди. Араб-ислом мифологияси таъсирида тоғнинг семантик кўлами ғайб эранлар, ҳомий кучлар – Хизр ва қирқ чилтонлар макони каби талқинлар билан бойиди.

Турли даврлардаги тоғ образининг структур-функционал ўхшашлиги ҳам тарихий-типологик ҳодисадир.

Ушбу босқичлардаги тоғ култи билан боғлиқ мифларнинг поэтик трансформацияси фольклор асарларида, хусусан, эпосда тоғ образининг анъанавий, турли маъно қатламларига эга, серқирра образ сифатида шакллантирди. Тоғ култи билан боғлиқ мифологик қарашларнинг поэтик трансформацияси магик-мифологик, мифо-поэтик, поэтик тафаккур босқичларида ривожланди. Тоғ култи асосидаги архаик ритуалларнинг мифларга кўчиши магик-мифологик, тоғ ҳақидаги мифологик қарашларнинг афсоналарга трансформацияси мифо-поэтик, афсона ва эртақларнинг эпос таркибига сингиши поэтик босқичларда амалга ошди. Магик-мифологик тафаккур босқичида тоғ рационал мағзини сақлаган ҳолда ҳеч қандай эстетик таъсирсиз ахборот бериш вазифасини бажаради. Инсоният тафаккурининг мифо-поэтик босқичи (афсона, ривоятлар)да эса архаик мифлардаги тоғ ҳақидаги ахборотнинг рационал мағзи сақланади, лекин маълум эстетик таъсир кучига ҳам эга бўлади. Тоғ култи ҳақидаги мифларнинг бир неча бор трансформацияси эстетик босқичда эпосга кўчди ва тоғ образининг бадиий талқинларига асос бўлди.

Фольклор ва бадиий асарларда тез-тез такрорланиб турувчи образ, сюжет, мотивлар архетип¹⁰ бўлиб, у биринчи, илк, асл образ деган маъноларни англатади. К.Юнгнинг қарашларига кўра, архетиплар инсоният хотирасида “коллектив онгсизлик”¹¹ сифатида мавжуддир. Илк образ деганда архаик мифлар ва диний эътиқодлардаги тоғ билан боғлиқ фикрий қолипларни тушунамиз. Масалан, қадим тасаввурлар мажмуида тоғ худолар макони эканлиги билан архетипик образдир. Пайғамбарларнинг тоғда Аллоҳдан аҳд олиб, пайғамбар сифатида тарбияланиши ҳамда ўз халқини ёруғликка олиб чиқиши билан боғлиқ сюжет ҳам архетипик мотивдир. Тоғ

¹⁰ Бу ҳақда қаранг: Архетип // www.ru.wikipedia; Петровский А.В., Ярошевский М.Г. Психология. Словарь. Т.1. – М: Политиздат, 1990. – 494 с.; Аверинцев С. Архетипы // Мифы народов мира. Энциклопедия. – М: Советская энциклопедия, 1992. – С. 110-111; Словарь литературоведческих терминов // www.grammar.ru; Куронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Akademnashr, 2013. – Б. 37.

¹¹ Қаранг: Юнг К.Г. Архетип и символ. М.:Ренессанс, 1991, – 298 с.

билан боғлиқ бундай тайёр конструкциялар илоҳий китоблар: Қуръони Карим, Таврот, Забур, Инжил, Авестода ҳам мавжуд. Бу китоблардаги тоғ билан боғлиқ фикрий қолиплар авлоддан-авлодга ўтиб келган. Ушбу образнинг илк асоси маълум давр хусусиятлари ва мифологик қарашлар тизими билан боғлиқ ҳолда турлича кўринишлар олди ва эпик асарлар композициясида турли комбинацияларда такрорланди.

Тадқиқотнинг **“Халқ дostonларида тоғ образининг бадий талқинлари”** деб номланган иккинчи бобида халқ дostonларидаги Асқар тоғ, Бало тоғи, Болҳасрат тоғи, Бадбахт, Палопон тоғи, Сулдуз тоғи, Сангин тоғи, Ола тоғ, Мурод тоғ, Хўй тоғи, Қора, Қорача каби тоғ образларининг бадий талқинлари, поэтик вазифалар ёритилган ҳамда тоғнинг ғор, булок, дарахт каби атрибутлар билан бирга келиши, ўзаро уйғун талқинга эғалиги ўрганилган.

Муайян эпик ном билан келувчи тоғ образларининг дostonлар таркибидаги бадий талқинларини вазифасига кўра қуйидагича гуруҳлаштириш мумкин:

1. Тоғ – ҳомий руҳлар макони.
2. Қаҳрамоннинг синалиш манзили.
3. Қаҳрамоннинг инициация жараёнидан ўтиш жойи.
4. Қаҳрамон яшаётган ҳудуд ёки ватан тимсоли.
5. Тоғ – ўз (қаҳрамон макони) ва ўзга юртлар чегараси.
6. Тоғ – йўл масофасини билдирувчи эпик ўлчам.
7. Тоғдаги ғор – ўзга оламга ўтиш йўли, девлар кўним топган жой.

Ўзбек халқ дostonларида Асқар тоғ билан боғлиқ бадий талқинлардан бири унинг ҳомий руҳлар макони сифатида қаралишидир. Ўзбек халқ дostonларининг барчасида қаҳрамонга ҳомий кучлар – эранлар кўмак беради. Эранларнинг қаҳрамон туғилиши, тарбияси, жасоратлари ва бутун ҳаётида муҳим роль ўйнаши дostonларда мукамал бадий талқинлар олган. Хусусан, Гўрўғлининг туғилиши, болалиги ва уйланиши куйланган дostonларда бу ҳолатнинг гувоҳи бўламиз. “Гўрўғли” дostonларида келувчи Асқар тоғ қаҳрамонга туш мотиви орқали аён бўлади, яъни эпик қаҳрамон туш ёки башорат каби ғайриоддий усуллар орқали ҳомий эранлар манзилига олиб борилади ва у ерда тарбият этилади. “Гўрўғлининг туғилиши”¹² дostonида Гўрўғли чарчаб ухлаб ётганда, эранлар уни ўраб олади, Бобо Қамбар унга келажакдаги тақдирдан хабар беради ва отини ҳам шу ердан топажани башорат қилади. Гўрўғли тушидаги башорат асосида Афсар тоғдаги “Санам чорбоғ” га боради. Гўрўғли чилтонлар билан ғорда учрашади. Қаҳрамон ҳаётидаги энг муҳим босқичлар Асқар тоғда амалга ошади. Шундай босқичлардан бири бўлажак қаҳрамоннинг эранлар томонидан синалишидир. Ҳазрати Хизрнинг Гўрўғлининг тойини ўғирлаб, эранлар маконига олиб бориб қўйиши мотиви дostonда муҳим ўрин тутди. Қаҳрамон тойини излаш давомида эранлар синовидан ўтади. Жисман ва

¹² Гўрўғлининг туғилиши. Дoston. Айтувчи: Муҳаммад Жомрод ўғли Пўлкан. Нашрга тайёрловчи: М.Муродов. – Тошкент: Бадий адабиёт, 1967. – Б. 117.

маънан камол топишга тайёр ҳолатга келади. Хизрнинг Гўрўғлига кураш сирларидан дарс бериши айнан алплик тизимининг таркибий қисмига киради. Яъни Гўрўғлининг жисмоний камолоти, барча жанг санъати сирларини космос вакилларида ўрганганлигини ва унинг тенгсиз жангчи эканлиги, бир ўзи минглаб аскарларга тенг келиши, ғолиб бўлишининг сири ана шу эранлар томонидан ўргатилган жанг сирларига боғлиқ эканлигини бадий ифода этади. Асқар тоғдаги чилтонлар ғорида қирқ чилтоннинг ҳар бири Гўрўғлига ҳаёт дарсидан сабоқ бериб ўтади. Достоннинг Пўлкан шоир вариантида инициация жойи сифатида тоғдаги ғор¹³, баъзи ўринларда тоғ ҳудудидаги работ тилга олинади. Достонда эранларнинг маълум бир ички тартибга эга тузилмаси мавжудлиги айtilган. Ғор тепасидаги тахтда эранлар бошлиғи Қутбул қутб ёки қутбул аълам, ундан кейин уч киши, навбатдаги етти тан – етти киши, сўнгра қирқ чилтон ва уч юз олтмиш мардони ғайб ҳамда қутбул аъламнинг буйруғини шу жамоанинг ҳар қайсисига билдириб туриш вазифаси Ҳазрати Хизр, Илёс ва ҳазрат Ғавсул Ғиёс¹⁴ зиммасида эканлигининг айтилиши замирида ана шу эранлар тузилмасининг тартиби, эранлар иерархияси кўрсатиб ўтилган. Айнан ана шу эранлар Гўрўғлининг инициация жараёнида иштирок этадилар. Эпик қаҳрамон инициация манзили – чилтонлар ғорида, эранлар даврасида сўнги синовдан ўтади. Достонда бу ҳолат анъанавий уч бор қайтарилувчи ҳаракат орқали амалга ошади. Уч рақами эса маросимлар ва фольклорда магик рақамлар сирасига киради¹⁵. Ушбу эпизодлардаги инициация мотиви манистик мифларнинг трансформацияси ҳосиласидир. Инициация жараёни эпосда эпик қаҳрамон ва унинг отини антаҳур майини ичиши шаклида амалга ошади. Қаҳрамоннинг муқаддас тоғдаги ғорда инициациядан ўтиши нафақат ўзбек фольклори, балки дунё халқлари фольклорида турғун анъана кўринишига эга тоғ култи ва дунёқарашлари билан боғлиқ. Ушбу дунёқарашга кўра, тоғ космик тартибнинг барча элементлари ва қурилмасини ўзида мужассам этувчи дунё модели сифатида қабул қилиниб, дунё ўқи ўтувчи марказ сифатида қаралади. Бу ўқ тепада қутб юлдузига боғланса, пастда қуйи олам, ер остига туташган деб талқин этилади. Ўқ ўтувчи жой “ернинг киндиги” саналади. Дунё тоғи уч қисмга бўлинади: унинг тепа тарафида илоҳлар, қуйи қисмида ёвуз руҳлар, ўрталик ерда – одамзод насли яшайди¹⁶. “Гўрўғли” достонларида тасвирланувчи Асқар тоғ айни моделнинг мукамал кўринишдаги бадий талқини эканлиги билан аҳамиятлидир.

Қаҳрамонга тилакларининг берилиши ва таълим ўргатилиши, алплик яроқлари, от ва унинг анжомларига эга бўлиши, ўз тақдири, вазифаларидан огоҳ этилиши ҳам Асқар тоғда кечади. Тоғ эгаларининг маконида қаҳрамоннинг тилак сўраши мотиви эпик сюжетнинг асосий халқаларидан биридир. Қаҳрамон эранлар макони – Асқар тоғдаги ғордан эранлар дуосини

¹³ Ўша манба. – Б. 127.

¹⁴ ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архиви. Инв.19. – Б.127-129.

¹⁵ Жўраев М. Ўзбек халқ эртакларида “сеҳрли” рақамлар. – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 152.

¹⁶ Мифы народов мира. Том 1. – М., 1980. – С. 311.

олиб, ўзининг илк жасорати – Райҳон подшодан ўч олиш учун йўлга тушади. Асқар тоғ ва ундаги чилтонлар ғори билан боғлиқ эпизодларда тоғ аккумуляция вазифасини бажаради ва эпоснинг асосий сюжетини шакллантиради.

Бало тоғи “Гўрўғли” туркуми дostonларида фаол тилга олинувчи номдор тоғлардан бири ва дostonларда чегара – қаҳрамонни ўзга олам, ёр диёри билан боғловчи транзистор вазифасини ўтайди. Эпик қаҳрамон ёр диёри, бегона олам ҳақида дев ёки пари каби персонажлардан хабар топади. Гўрўғлининг юрти ва дев-парилар маконига эпик қаҳрамон, аввало, ушбу чегарадан ўтиб бориши мумкин. “Юнус пари” дostonида Бало тоғи ва унда яшовчи дев Гўрўғлининг Юнус парини олиб келиши йўлида илк дуч келган эпик тўсиқ ҳамда қаҳрамон маконига қарама-қарши ҳудуднинг бошланиш нуқтаси сифатида келади. Эпик қаҳрамон Бало тоғидаги девларни ақл-идроки билан енгиб ўтади ва уларни ўзига бўйсундириб олади. Енгилган мифологик образлар – девлар қаҳрамонга ўзга оламларга бориб келишида ва мақсадига эришишида кўмак берадилар. Дostonда Бало тоғи синов мотиви, шарт мотиви, ўзга юртга сафар мотиви билан бир сюжет ҳалқасида келади ва эпик қаҳрамоннинг куч-қудрати, ақл-идроки, ғайриоддий инсон эканлигини кўрсатишга хизмат қилади.

“Гўрўғли” туркумига тегишли Тилсимли тоғларнинг энг ёрқин мисолларини Фозил Йўлдош ўғли куйлаган “Малика Айёр” ва “Машриқо” дostonларида учратамиз. “Малика Айёр” дostonида Малика Айёр ҳудудини Кўкламтоғ тўсиб туради. Тилсимли тоғлар ҳам хронотоп шакли сифатида қаҳрамонни ўзга олам, ерости дунёсига кўчирувчи трансформация вазифасини ўтайди. Тоғ орқали бориладиган ерости мамлакатида фақат эпик қаҳрамонларгина ҳаракатлана олади. “Машриқо” дostonида эса Мостон момо таърифлаган ғаройиб тоғ ер ва осмон ўртасида жойлашган бўлиб, тоғ механизмини бошқариб турувчи девнинг ғорда яшаши бу макон тасвирининг ҳам анъанавий тўсиқ, қаҳрамон яшовчи макон билан унга рақиб кучлар ҳудуди ўртасидаги чегара моделига уйғун келишини билдиради.

“Алибек ва Болибек” дostonида келган Болҳасрат тоғининг таърифи нафақат ушбу дostonнинг, балки ўзбек эпоси намуналари орасида ноёб бадий тасвир сифатида алоҳида ажралиб туради:

Сенсан тоғларнинг султони,
Кўргансан олам замони,
Уч юз олтмиш бир макони,
Яшилдир туғларинг сенинг¹⁷.

Фольклор асарлари таркибида келувчи эпик тоғларнинг, деярли, барчасида уч юз олтмиш ёки уч юз олтмиш бир макон, дара сўз бирикмалари анъанавий сифатловчи бўлиб келади ва бу сифат муқаддас саналувчи тоғларга нисбатан қўлланилади. Яшил туғ ибораси эса бу маконларнинг ҳар бирида муқаддас қадамжолар борлигини англатади. Дostonларда Болҳасрат тоғи шундай муқаддас тоғ сифатида таърифланган. То қиёматгача туради деб

¹⁷ Алибек ва Болибек / Булбул тароналари. 5-жилд. Дostonлар ва термалар. – Тошкент: Фан, 1973. – Б. 186.

билдирилган Болҳасат тоғининг Селинг, Кўхиста деб номланувчи бўлимлари бор. Барча муқаддас тоғлар каби Болҳасрат тоғи ҳам бузрукларнинг қадамгоҳи, жами азизлар арвоҳи қўним топган жой, Алидек улуғлар руҳи ёдланувчи маскандир. Бу манзилнинг гиёҳи, ҳавоси, сувлари шифо, танга дармон, қувват берувчи хусусиятга эга. Бу хил манзилларда хос кишилар, эранлар – чилтонлар учрашиб, суҳбат қуради. Болҳасрат тоғи ҳам дostonларда чилтонлар макони, дуолар ижобат бўлувчи жой сифатида талқин этилади.

Ўзбек халқ дostonларида тоғдаги ғор девлар қўним топган жой сифатида ҳам талқин қилинади. “Малика айёр”, “Нурали”, “Машриқо” “Оға Юнуснинг олиб қочилиши” ва бошқа дostonларда тасвирланган кўпчилик дев образлари тоғдаги ғорда яшайди.

Аксарият ҳолларда, халқ дostonлари композициясида тоғ ва ғор образлари дарахт, булоқ атрибутлари билан бирга келади ва структур-семантик жиҳатдан ўзаро ўхшаш ва яқин маъноларни ифодалайди. Тоғ ва дарахт вертикал йўналишига кўра бир хил мифопоэтик талқинга эга.

К.А.Акишев археолог сифатида сакларнинг мифологияси ва санъатини ўрганади. У олтин одамнинг бош кийимидаги тоғ билан боғлиқ тасвирларни архаик мифлар билан боғлаб изоҳлайди. Унга кўра, бу тасвирлардаги тоғ, дарахт ва ҳайвон рамзлари космоснинг вертикал йўналишини ўзида акс эттиради. Ушбу композиция рамзий маънога эга бўлиб, ундаги тоғ ва дарахтнинг қуйи қисми ер остига, тоғнинг юқори чўққиси ва дарахт шохлари осмонга йўналтирилган. Қанотсиз ҳайвонлар композициянинг қуйи қисмида, қушлар эса юқори қисмида тасвирланган¹⁸. Ушбу тасвирларда сакларнинг оламнинг тузилиши ҳақидаги мифологик қарашлари ҳамда тоғ ва дарахтнинг мифопоэтик талқини акс этган. Бу тасвирлар сакларнинг дунё модели, тоғ ва дарахт образлари ҳақидаги тасавурлари дунё халқлари мифологиясидаги тоғ билан боғлиқ мифологик қарашлар билан уйғун эканлигини исботлайди.

